

Жаҳон иқтисодий инқирози таъсирини камайтиришга барчамиз масъулмиз

Халқ сўзи

2020 йил 18 апрель

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

ЙИЛЛАР, ЙЎЛ

Жаҳон иқтисодий инқирози таъсирини камайтиришга барчамиз масъулмиз

Яқинда АКШнинг Калифорния университети профессори, математика соҳасида энг юксак мукофот бўлмиш Фильдс медали совриндори Ефим Зельманов телефон қилиб қолди.

Сенатор мушоҳадаси

Суббат асносида: — Нима янгиликлар? — деб қизиқдим.

— Янгилик сизларда-ку, мундоқ ўртоқлашмайсан ҳам, — деди у. Соҳадаги охири янгилигимиз "Journal of Algebra and Computation" журналида эълон қилинган эди. Шу боис "Яна қандай янгилик бўлиши мумкин?" деб хайрон бўлдим. Гап нима ҳақда бораётганини эса унинг ўзи айтди:

— Жаҳонни ларзага солаётган коронавирус пандемиясидан ҳимояланиш борасида қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисида бизга айтмаган эдинг...

Е. Зельманов юртимизда вирусдан касалланиш даражасининг нисбатан озлиги, тузалиш жараёни бошлангани, мактаб ва олийгоҳларнинг ҳар бир талаба ва ўқувчиси учун телевизор орқали масофавий дарс ташкил этилгани, карантин талаблари асосида далаalarda иш қизғин бораётгани, ҳуллас, ҳамма-ҳаммасидан хабардор экан.

Фан шунчалик чеқсизки, унинг асл моҳияти кишилик ҳақиқатига хизмат қилмагунча мавҳум қолаверади. Масалан, оптимал бошқариш назарияси салбий ҳолатдан чиқиш билан келгуси ривожланиш истиқболлини белгилашга қаратилган. Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқ-

ларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда яна 3 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари мазкур илмий назариянинг амалдаги инъикоси бўлди, десақ, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Амалий натижа мусбат чиқиши учун ундаги мезонлар бажарилиши талаб этилади. Баъзи ҳолларда бир кўрсаткичнинг бажарилмаганлиги занжирсимон боғлиқликда бошқа бандлар самарадорлигини пасайтириб юборади. Масалан, Марказий банк томонидан давлатимиз раҳбари шу йил 19 мартда қабул қилган Фармони ижроси доирасида юридик шахсларнинг кредитлари бўйича 7,9 триллион сўм ҳажмдаги қарздорлиги кечиктирилгани, молиявий қийинчиликка дуч келган ташкилотлар кредитлари бўйича қўшимча реструктуризация қилинадиган тўловлар ҳажми қўшимча равишда 7 триллион сўмни, жисмоний шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар томонидан жорий йилнинг олдиндаги 6 ой давомида сўндирилиши лозим бўлган кредитлар бўйича муддати узайтириладиган тўловлар ҳажми 4,7 триллион сўмни ташкил этиши бўйича

келтирилган ахбороти аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг пандемия боис иқтисодий қийинчиликлардан энгил чиқиб олишига ёрдам беради.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Карантин тўхтатилганидан кейин ҳам тижорат банклари кредит сисёати дастлабки натижа самарадорлигини таъминлаши керак. Бунинг учун бугун берилган имтиёзлар эртага аҳоли ва тадбиркорлар елкасига юк бўлмаслиги зарур. Истиқболда инфляция ва миллий валюта девальвацияси ҳисобида тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли қарздорлигининг маълум қисми тижорат банклари бухгалтерия ба лансидан ташқари ҳисоблашга ўтказмоқ мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўпчилик олимлар Фармонга "Кўтилажак жаҳон инқирози олдидан қўрилган муҳим чора-тадбир" деб таъриф берган бўлсалар, уларнинг фикрларини тўқдириб таъкидлардимки, молиявий масалаларда, жумладан, пул-кредит соҳасидаги янгиликлар иқтисодиётимиз ривожланиши йўлида зарур тадбир ҳамдир. Бу тадбирлар рисоладагидек бажарилса, республикамиз иқтисодий ривожланиши ҳамда аҳолининг яшаш даражаси 2019 йилдагига нисбатан кам бўлмайди. Чунки 2020 йил 19 мартдаги Фармон билан Молия вазирлиги қришида юридик шаклда эга бўлмаган 10 триллион сўмлик Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг ташкил этилиши ҳамда ундан қилинадиган харажатлар тарихида келтирилган

тўртта банддан икитаси, 3 апрелдаги Фармоннинг 21 та бандидан 19 таси тўғридан-тўғри иқтисодиётни, жумладан, тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашни таъминлашга қаратилган. Шунингдек, мазкур маблагдан 2,2 триллион сўм иқтисодий-ижтимоий соҳалар, 1,4 триллион сўм инфраструктура ҳамда йўллар таъмирланишини молиялаштиришга йўналтирилган.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига 500 миллиард сўм қўшимча маблаг берилиб, иш ўринлари яратадиган бизнес субъектларга қўмақлашади.

Ҳозирги кунда тадбиркор олган кредит ставкаси 24 фоизгача бўлганда унинг 8 фоизини жамғарма қоплаб беради. Эндиликда кредит ставкаси 28 фоизгача бўлганда ҳам унинг 12 фоизини давлат қоплайди. Бунинг учун тадбиркорларнинг 3 триллион сўмлик кредити фоизини қоплашга жамғармадан қўшимча 400 миллиард сўм йўналтирилади. Жамғарма

Хулоса ўрнида айтганда, бугун дунё бўйлаб кенг тарқалган пандемия шароитида инсонлар билан бирга мамлакатлар иқтисодиёти ҳам катта зарар қўриш эҳтимоли юқори. Ана шундай шароитда жаҳон иқтисодий инқирозининг макроиктисодиётимизга таъсирини камайтириш ва бу ҳолатдан тез ҳамда талафотсиз чиқиб кетишни ташкил этишга барча соҳа вакиллари қаторида биз, сенаторлар ҳам масъулмиз.

Шавкат АЮПОВ,
ЎзРФА В. И. Романовский номидаги
Математика институти директори, академик, сенатор.

бир тадбиркорнинг фақатгина битта лойиҳасига қафиллик бериши бўйича чеклов ҳам энди бекор қилинади.

Жаҳонга тарқалган инфекциянинг умри қисқа бўлса-да, унинг асоратлари узоқ сақланиши мумкин. Хўш, бундай шароитда биз нима қилишимиз керак?

Авалло, ҳудуд ва тармоқларда экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий ишловчи республика комиссияси мутаассадди вазирликлар ва қўмиталар билан ҳамкорликда экспорт шартнома шартларини қайта кўриб чиқиши лозим. Чунки инфляция мавжуд экан, бозорда бирламчи истеъмол товарларига талаб юқорилгича қолаверади. Шундан келиб чиқиб, бундай товарлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларига револьвер кредит берилиши фақат инқироз пайтидагина эмас, ундан кейин ҳам давом эттирилиши керак бўлади.

Яна бир муҳим масала. Гап шундаки, коронавирус пандемиясига қарши кураш жараёнида қўнчиликимиздаги камчиликлар кўришиб қолди. Ягона қўнун йўқлиги ва фуқароларнинг қоидаларга риоя этмаслиги оқибатида касалликнинг олдини олиш жараёни чўзилмоқда. Шу маънода, мутаассадди вазирликлар Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталари билан ҳамкорликда мазкур йўналишдаги махсус қўнун лойиҳасини ишлаб чиқишни кечиктирмаслиги зарур.